

ШАРТНОМА № ЕТ/004

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш хақида)

«6» июл 2022 йил

Фарғона.ш

Фарғона ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати директори У.Мамаджанов
(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **MASTER NEW RESOLUTE PURE МЧЖ** корхонаси (кейинги ўринларда «берувчи» деб аталади) номидан раҳбар

М.Ахмаджонов

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиб олинган маҳсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Кондиционер (Колонна)	ШТ	2	26 500 000	53 000 000
2	Кондиционер (Инвентр 12)	ШТ	2	6 500 000	13 000 000
xx	Жами:	x	X	x	66 000 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **66 000 000 (Олтмиш олти миллион) сум**
(рақамлар ва ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи микдориди пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 3 (уч) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % микдориди «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу маҳсулот қийматининг 20 % микдориди жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорда «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат ишгиридаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олиншини қафолатлайди.

8.5. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, муружаатни олган томон 10 (ўн) иш кунни мобайнида тушултириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «4» июлдан 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

X. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

« СОТУВЧИ »

« СОТИБ ОЛУВЧИ »

MASTER NEW RESOLUTE PURE МЧЖ

Фаргона ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Куштпепа туман Лангар МФЙ

Манзил: Фаргона шаҳри Университет кучаси 33 уй,

Тел./факс: 73 425 10 04

Тел./факс:

Ҳисоб варақ: 20208000005041915001

ш/х*: 100021860304017092300056002

Банк номи: Агробанк Куштпепа филиали

СТИР: 307 719 879 ОКЭД:

МФО: 00515 СТИР: 306261810

Газначилик бўлини маси

ОКОНХ:

Газна х/в: 23 402 000 300 100 001 010



Раҳбар:

М. Ахмаджонов

(Ф.И.Ш)



Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент ш.Б.Б.

МФО: 000014

СТИР: 201 122 919

У. Мамаджанов

(Ф.И.Ш)

Ҳуқуқшунос: